

М.Нишанов

И.Атамирзаев

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг
Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик
палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма
мажлисидаги**

**“МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ”**

мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
ҚЎЛЛАНМА**

Наманган- 2011

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

М.Нишанов, И.Атамирзаев

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг
Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик
палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма
мажлисидаги

“МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ”
мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА
(маъруза матнлари, ўқув-услубий кўрсатма ва тавсиялар)

Наманган-2011

Мазкур ўқув-услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида билдирилган муҳим назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 11 январдаги 19-сонли буйруғи ва Наманган давлат университети ректорининг 2011 йил 20 январдаги 17 А/О-сонли буйруғига асосан тайёрланди. Унда мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида ўтган қарийб 20 йил давомида амалга оширилган кенг кўламли улкан ишларнинг мазмун-моҳияти ва концептуал аҳамиятини талаба ёшлар ўртасида тарғиб этиш, уларнинг онгу тафаккурига чуқур сингдириш мақсад қилиб олинган.

Махсус ўқув курси учун мўлжалланган ушбу услубий рисолада мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш соҳасида олиб борилаётган ислохотларга оид назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган маълумот ва материаллар маъруза матнлари, ўқув услубий кўрсатма ва тавсиялар шаклида жамланган. Ундан профессор-ўқитувчилар, аспирант ва магистрлар, бакалавриятнинг барча йўналишларидаги талаба ёшлар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчи ва масъул муҳаррир: ф.ф.д.проф. М.Нишанов

Такризчилар: Тарих фанлари номзоди, доцент Б.Талапов
Юридик фанлари номзоди, доцент: М. Жиянов
Фалсафа фанлари номзоди, доцент Д.Рахимбоева

Ушбу услубий кўрсатма Наманган давлат университети ўқув-услубий кенгашининг 2011 йил 25 февралдаги мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ўтган йигирма йиллик мустақил тараққиёти давомида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳа ва тармоқларида оламшумул ютуқларни қўлга киритди, миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади ва айтиш мумкинки, том маънодаги озод ва суверен мамлакатга айланди.

Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида сўзлаган маърузасида Ватанимиз, халқимизнинг ана шу тарихан қисқа бир даврда эришган улкан ютуқ ва марралари ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб берилди.

Ҳақиқатан ҳам, Юртбошимиз ўзининг ушбу маърузасида таъкидлаб ўтганларидек, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, балки амалда олий қадрият даражасига кўтарилди. Мустақил мамлакатимизнинг ҳозирги ҳолати жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасидаги узоқ ва мураккаб йўлнинг фақат бир қисми эканини назарда тутадиган бўсак, айтиш вақтда эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеаликдан узилиб қолиш мамлакатимиз келгуси тараққиётининг самарадорлиги ва истиқболига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилмоғи зарурдир. Бунда биз “эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор¹”.

Маълумки, ҳаёт доимо ўзгариб, тараққий этиб бораверади. Айниқса, ҳозирги дунёда глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бир вазиятда, жаҳонда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида биз эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, давр талаби билан ўзаро ҳамнафас, ҳамқадам бўлиб, янада ривожланиб бораверишимиз шарт.

Шу боис, биз ўз тараққиётимиз жараёнида, деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, бир ерда тўхтаб қолмай, доимо юксалиб боришимиз, жаҳон иқтисодиётининг тараққиёти ва инқирозини олдиндан кўра билиш, уни ҳар томонлама чуқур таҳлил ва тасаввур қилиш, бу йўлда аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат сифатида фаолият қилмоғимиз зарур.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., 2010, 7-бет

Шу муносабат билан Юртбошимиз ўз маърузасида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ҳаётига оид энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалий таклиф ва ғояларни илгари сурди.

Биринчи устувор йўналиш–“Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш” деб номланган. Унда ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини амалиётга тадбиқ этишни янада такомиллаштириш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини амалда таъминлаш, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти органлари ваколатлари ҳамда назорат доирасини аниқ белгилаб бериш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис (унинг палаталари), Бош вазир вакиллари тизимиغا, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Иккинчи устувор йўналиш–“Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш” деб номланган. Бунда мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти ҳамда уларнинг реал натижалари аниқ рақамлар орқали кенг очиб берилган. Шунингдек, жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш вазифалари бўйича муҳим таклифлар билдирилди.

Учинчи устувор йўналиш–“Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш” деб номланган. Бу борада мамлакатимизда ҳозирги қадар олиб борилган муҳим тадбирларни эътироф этган ҳолда, соҳани ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги мавжуд қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни, қатор янги қонунларни қабул қилишни таклиф қилинди.

Тўртинчи устувор йўналиш–“Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш” деб номланган. Бу йўналиш мамлакатимиз сайлов тизимини шакллантириш, уни босқичма-босқич такомиллаштириш борасида ҳозирга қадар эришилган муваффақиятлар таҳлили тажрибаларидан, шунингдек, ривожланган давлатларда бу борада эришилган натижалардан ижодий фойдаланиш асосида мамлакатимиз сайлов тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган.

Бешинчи устувор йўналиш–“Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш” деб номланган. Унда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, ўзини ўзи бошқариш тизимининг мамлакатимизга хос бўлган муҳим бўғини-маҳалла институти фаолиятини қонуний асосга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, уларнинг амалий натижалари таҳлил этилди. Бу борада мамлакатимиз бошқарувида фуқаролик жамияти институтлари роли ва таъсирини янада ошириш мақсадида қатор янги қонунлар яратиш, амалдаги қонун ҳужжатларига муҳим

ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш зарурлигини аниқ таклифлар асосида кўрсатиб берилди.

Олтинчи устувор йўналиш–“Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш” деб номланган. Унда мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантикий талабларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиёт соҳасининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, бунда, айниқса, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк даҳлсизлигини таъминлаш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан банд қилиш ва бошқа шу каби ижтимоий аҳамиятга молик масалалар ечими бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Демак, Президент Ислон Каримовнинг ушбу маърузасида белгилаб берилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари, турли ижтимоий қатламлар, айниқса талаба ёшлар томонидан унинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етишни тақозо этади. Шу туфайли, маъруза талабалар томонидан ўрганиш, унда ёритиб берилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини чуқурроқ ва ҳар томонлама англаш мақсадида махсус ўқув курсини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

1. Махсус курснинг ўқитилишдан кўзланган мақсади.

Президентимиз Ислон Каримов маърузасида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида белгилаб берилган вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш бўйича талаба ёшларда билим ва кўникмалар мажмуасини шакллантириш.

2. Курснинг асосий вазифалари.

Ушбу махсус курсни талабаларга ўқитиб ўргатилиши жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинган:

-талабаларда мамлакатимизнинг қарийиб 20 йиллик мустақил тараққиёти жараёнида юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришилган ютуқ ва натижалар тўғрисида кенг тушунча ва тавсиялар ҳосил қилиш;

-Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувчини демократлаштириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этилиши бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, уларни ижтимоий жараёнга тадбиқ этиб борилишини чуқур шарҳлаб бориш орқали талабалар тасаввурида тегишли сиёсий ва ҳуқуқий билимларни шакллантириш;

-мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиниши, оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, сайлов ҳукуки эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш соҳасида амалга оширилган ўзгаришларни талабаларга етказиш;

-мустақил юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш хусусида талабаларда илмий фикрлаш ва мушоҳада юритиш кўникмасини ҳосил қилиш.

3. Махсус курс мавзуларини чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча манбалар.

Ушбу махсус курсни ҳар томонлама пухта ўзлаштиришда Президент Ислон Каримов маърузаси бўйича мамлакатимиз ва жаҳон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллардан, шунингдек, электрон-визуал ва интерактив воситалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услугий мажмуа (Тошкент, 2010, 280 б.) дан ёрдамчи қўлланмалар сифатида кенг фойдаланиш мумкин.

4. Махсус курснинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси.

Ушбу махсус курс мазмунан амалда барча ижтимоий-сиёсий фанлар билан, жумладан, “тарих”, “Иқтисодиёт назарияси”, “Сиёсатшунослик”, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”, “Фалсафа”, “Социология”, “Ҳуқуқшунослик”, “Статистика”, “Демография” ҳамда айрим табиий фанлар, “География”, “Экология” ва бошқа фанлар билан бевосита алоқада бўлади.

5. Махсус курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар.

Махсус курсни ўқитишда ҳар хил схемалар, чизмалар тузиш ва бошқа кўргазмалар воситалардан фойдаланишга эътибор берилади. Талаба ёшларни баркамол қилиб тарбиялашда олинган билим мунтазам қўлланилади.

Ушбу махсус курсни ўқитиш жараёнида илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, объективлик тамойилларига амал қилинган ҳолда анъанавий усулда, давра суҳбати, кластер, баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, танқидий фикрлаш,

презентация каби замонавий педагогик технология воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Маъруза машғулоти бўйича

ЎҚУВ ДАСТУРИ

1-Мавзу: Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислохотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар.

Мамлакатимизда қарийб 20 йил мобайнида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришилган ютуқ ва натижаларни баҳолаш зарурати туғилаётгани. Тараққиётнинг ўзбек моделининг маъно-мазмуни, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар самарасини таъминлашдаги роли. Иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, мамлакатни модернизация қилиш йўлидаги улкан амалий қадамларнинг дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилиши. Мустақил ривожланиш йўлларида қўлга киритилган юксак ютуқ ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бораётгани. Мамлакатни ислох этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш зарурлиги. Жамиятимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар-мамлакатимизнинг тараққиёт ва фуқаролик йўлидан жадал ривожланиб боришини таъминлайдиган ҳал қилувчи куч.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар.

Мазкур маъруза машғулотини ўтказишда дастлаб талабаларнинг билим ва тасаввурларини фаоллаштириб олиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун интерфаол ўқитишнинг “ақлий ҳужум”, блиц-сўров, инсерт техникаси усуллари қўлланган ҳолда, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ютуқ ва натижалар тўғрисидаги талабаларнинг билим ва тасаввурларини фаоллаштириб олиш мақсадга мувофиқдир. Шундан сўнг ахборотли-маъруза усулида ўзбек моделининг маъно-мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасини таъминлашдаги роли ҳамда иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришларни визуал тақдимот кўринишида баён этиш мумкин. Тақдим этилган маълумотларнинг самарали томонидан пухта ўзлаштирилишини таъминлаш учун тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

2-Мавзу: Давлат ҳокимияти ва бошқарувини деомкратлаштириш, суд-ҳуқук тизимини ислох этиш.

Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаб беойлган асосий йўналишлар. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида

амалга оширилган ислохотлардан кўзланган мақсад-муддаолар. Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг ваколатларининг бозор тамойилларига мувофиқлаштирилиши, давлатнинг иқтисодий ёки бошқаришдаги ролининг камайирилиши. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилиш асослари. Ҳозирги пайтда давлат ҳокимияти субъектлари ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб такомилланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларнинг юзага келиши. Суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконининг яратилиши. Судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада халос бўлиши.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар.

Маъруза мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, мамлакатда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги, ва маданиятини юксалтириш, мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилгани ва бу борада эришилган ютуқлар ҳақида маълумот берадиган ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш мумкин. Маъруза асосий мазмунини баён этишда олдиндан тайёрлаб олинган тақдимот материалларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Олинган маълумотларнинг талабалар томонидан мустақкам ўзлаштирилишини назорат қилиб бориш мақсадида инсерт жадвалидан самарали фойдаланиш мумкин.

3-Мавзу: Ўзбекистонда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш. Оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган мустақкам қонунчилик базасини яратилгани. Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислохотларнинг амалга оширилиши. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш. Сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилишининг қатъий белгилаб қўйилиши. Марказий сайлов комиссиясига мутлоқ ваколатларнинг берилиши.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шarti эканини талаба ёшларга ахборотли маъруза сифатида етказиш талаб этилади.

Сайлов жараёнларининг янада демократлашуви муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган қонунчилик ташаббуслари, сайлов қонунчилигида сайлов компаниясини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган Б/Б/Б, ФСМУ техникаларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

4-Мавзу: Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ташкилотларнинг ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланаётгани. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган қонун ҳужжатларининг қабул қилингани. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида нодавлат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ролини янада кучайтириш ўз олдимизга қўйган мақсадларимизни рўёбга чиқишида ҳал қилувчи омил экани.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар.

Ўзбекистонда кейинги ўн йиллик давр мобайнида шаклланган фуқаролик жамияти институтлари, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш, стратегик муҳим тармоқлар ва корхоналарда акцияларнинг назорат пакетини давлат ихтиёрида сақлаб қолган ҳолда, иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларидан нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш бўйича талабалар билимларини мустаҳкамлашга қаратилган ахборот асосида маъруза тақдим этилади. Мазкур ахборотли маъруза асосида “ақлий хужум” техникасини қўллаш орқали талабаларнинг билими фаоллаштирилади ҳамда улар билан мавзу доирасида мунозаралар уюштирилади. Назорат топшириқлари асосида талабаларнинг мустақил таълим олиши таъминланади.

Биринчи дарс

Мавзу: Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислохотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар.

Режа:

1. Иқтисодийётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишда ўзбек моделининг ўрни ва аҳамияти.
2. Иқтисодийётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар.

I. 1.1. Ўзбекистонда 1991 йили давлат мустақиллиги эълон қилинган, маъмурий-буйруқбозлик, режали тақсирот тизимидан воз кечилиб, “Ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққийёт йўли танлаб олинди. Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясига асосан, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш, мамлакатимизда ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Маълумки, юртимизда мустақиллик қўлга киритилган дастлабки давр ўта мураккаб бўлиб, у пайтда собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутган, мамлакатда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият тобора кескин тус ола бошлаган эди. Шундай қалтис вазиятда ўзликчимизни англаш ва топталган миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган интилиш янада кучайди.

Истиқлолимизнинг илк йилларидаёқ, Президент И.А.Каримов юксак демократик талабларни ҳаётимизга тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти барпо қилиш, фаровон ҳаётга эришиш билан чамбарчас боғлиқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини таъкидлаб, бундай даражага кўтарилиш ҳеч қачон осонликча кечмаслигини уқтириб ўтган эди. Унинг “Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли рисоласида мамлакатимизда мустақиллик эълон қилингандан кейинги дастлабки йиллардаги ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиб, Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодийётни ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги сифатида 5 та асосий тамойилни белгилаб берди. Илмий ва амалий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган бу дастур нафақат ўша даврдаги авлод тақдири, балки келажак авлодларимиз тақдирини ҳам ўйлаб тузилган бўлиб, эски тузумдан мерос бўлган иллатларни тезроқ бартарф этиш, мамлакатимизнинг ривожланган, маданиятли давлатлар даражасига чиқиб олишини таъминлашни кўзда тутган эди.

Ислохотларнинг ўзбек модели ўз моҳияти ва мазмунини жиҳатидан бутунлай янги тараққийёт модели бўлиб қуйидаги беш тамойилга асосланади:

биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, яъни иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак. Шунингдек, ички, ташқи ва иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи этишни таъминлаш зарур;

иккинчидан, ўтиш даврида давлат асосий ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши шарт;

учинчидан, қонун устуворлигига эришиш, қонунларга қатъий риоя этиш лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни барча ҳеч истисносиз ҳурмат қилиш ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш керак. Аҳолининг салкам 50% ини 16 ёшга етмаган болалар ташкил этадиган Ўзбекистонда бунинг алоҳида аҳамияти бор;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, яқин ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар”сиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш асосида чуқур таназзулдан халос бўлиб, барқарор тараққиёт ва аҳоли турмуш фаровонлигига эришишга қаратилган туб ўзгаришлар сиёсатининг стратегик мақсадлари Президентимиз томонидан қуйидагича изоҳлаб берилди:

- 1) ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш;
- 2) кўпукладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- 3) корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик усуллари бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан фойдаланиш;
- 4) иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш;

- 1) кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарабини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнاتини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш².

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида қуйидаги икки вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилди:

- 1) тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
- 2) республиканинг ўзига хос шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш;

Мазкур вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда ислоҳ қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари аниқлаб олинди ва амалга оширилди:

- 1) ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш;
- 2) маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келтириш;
- 3) ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

Шундай қилиб, бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида мамлакатимизда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тартибида кейинги сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш учун шарт-шароит яратди.

Иккинчи босқичда иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, инвестиция (бирор ишга маблағ сарфламоқ) фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш мақсад қилиб қўйилди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар таркиби белгиланди:

- 1) давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш;
- 2) ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- 3) миллий валюта-сўмни янада мустаҳкамлаш;

² “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т. 1995, 18-бет

- 4) иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш.

Бу босқичда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида 1-босқичда тутилган йўл давом эттирилади.

Мазкур босқичда “эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш,-деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов,-нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир³”. Бу эса иқтисодиёт соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди:

- 1) иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш;
- 2) хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосда мулкдорлар синфини шакллантириш;
- 3) мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитлар, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш;
- 4) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётда устувор ўрин эгаллашига эришиш;
- 5) мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг қўламда интеграциялашувини таъминлаш;
- 6) иқтисодиётни мамлакатимиз иқтисодий мустаҳкамлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Мана шундай эзгу мақсадларни амалга ошириш учун, энг аввало, ижтимоий бозор иқтисодиётини яратишга йўналтирилган иқтисодий ислохотларга эътибор қаратилди. Ва бундай иқтисодий ислохотлар эса ўз ўрнида жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳамда давлат қурилиши соҳаларидаги туб ислохотлар билан чамбарчас, узвий боғлиқликда амалга ошириб келинмоқда.

II. 1.2. Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини мутассил такомиллаштириб бориш заруриятини янада кучайтирди.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашиш даражаси, иқтисодиёт

³ Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., 2000, 15-бет

таркибий тузилишининг такомиллашгани, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари орасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди.

Миллий хўжаликнинг мақбул таркиби алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожлангани ва баланслашгани, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳар қандай давлат ривожининг пировард мақсади бўлган аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакат хўжалигининг қандай белги, аломатлар асосида турли бўлак ёки қисмларга ажралишига кўра, иқтисодиёт таркибий тузилишининг турлари ўзаро фарқланади.

Собиқ шўролар тузими даврида Ўзбекистон, асосан, пахта етиштиришга ихтисослашган бўлиб, СССРда етиштириладиган пахтанинг 2/3 қисмини яратар эди. Республикада пахта якка ҳокимлигининг вужудга келиши оқибатида хўжаликнинг бошқа соҳалари эътиборсиз қолдирилди. Оқибатда аҳолининг озиқ-овқат билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар вужудга келди: илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тизими бузилди, ер ўз ҳосилдорлигини йўқота борди, сув ресурсларининг етишмовчилиги кучайди.

Бундай ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишидаги номутаносиблик Ўзбекистонга юқоридан туриб зўрлаб тикиштирилган ихтисослашув оқибати эди.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси сингари омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлсада, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар сиёсати қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

- 1) мамлакат иқтисодиётининг девирсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ (ялпи ички маҳсулот), экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;
- 2) ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;
- 3) тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек, экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг ҳомашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

- 4) юқори технологиялар ва замонавий техника билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;
- 5) конъюнктура (юзага келган, шароит) ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сифими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичларидаги салмоғини оширишга эриши.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Қарийб 20 йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари ўсиши эса 3,8 баробарни ташкил этди. Масалан, 1990 йилда мамлакатимизда 2810 минг тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 4500 минг тоннани ташкил этди. Табиий газ ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилдаги 40761 млн. куб метрдан 2009 йилга келиб 61408,2 млн. куб метрга етди.

Бундай ўсиш суръатлари мураккаб равишда мазкур маҳсулотларни четга экспорт қилиш ҳамда шунинг ҳисобидан тушган валюта маблағларига халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни олиб келиш имконини берди.

Истиклол даврида иқтисодиётда янги тармоқлар-автомобилсозлик, целлюлоза-қоғоз, қанд-шакар, фармацевтика ва бошқа тармоқлар вужудга келди. Республика саноатида юксак технологияга асосланган ва истикболли, яъни машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат каби тармоқларнинг ҳиссаси ортиб борди.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилган иқтисодий ислохотлар, айниқса, таркибий ўзгаришлар тез орада ўз натижаларини кўрсатди. Жумладан, миллий хўжалик иқтисодий жиҳатдан мустақамланиб, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган бир томонлама ривожланиш ва инқироз ҳолатидан чиқарилди; 2) иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустақамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди; бозор механизмнинг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари шакллантирилиб, ривожлантирилди.

Бундай самарали иқтисодий ислохотлар ўз навбатида жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳамда давлат қурилиши соҳаларидаги туб ислохотлар билан чамбарчас ва узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Демак, мамлакатимизнинг ислохотлар модели тўғри экани ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб бораётгани яққол тасдиқламоқда. Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш таъминланиб,

унниг суръатлари 2001-2003 йилларда ўртача 4% дан, 2004-2006 йилларда 7 % дан, 2007 йилдан буён ўртача 8-9 % дан юқори бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилиги ва барқарорлиги борасида МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ҳолбуки, собиқ СССР ҳудудидаги айрим давлатлар ҳали ялпи ички маҳсулотлар ҳажмининг 1991 йилдаги даражасига ҳам етгани йўқ.

Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир шароитда мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, турмуш даражасини кўтариш, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Республикамиз иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

- 1) корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш;
- 2) мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш орқали истеъмол бозорини улар билан тўлдириш ва мутаносиблигини таъминлаш;
- 3) аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш;
- 4) ташқи савдо айланмаси, шу жумладан, экспортнинг товар таркибини янада диверсификация қилиш.

Бу вазифалар комплекс тавсифга эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва иқтисодиётнинг оптимал таркибини шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

Иккинчи дарс

Мавзу: Давлат ҳокимияти ва бошқарувини

демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш

Режа:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш.

I. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисmini республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказишда маҳалла тизимини

шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди. Бу эса Президент Ислон Каримов томонидан эътироф этилган, марказий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатларини борган сари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиб бориши лозимлиги хусусидаги ғоянинг амалдаги тасдиғидир.

Ҳокимият-бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда синфларнинг фаолиятига, хулқ-атворида, характерида, иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек, куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш қобилиятлари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир.

Давлат ҳокимияти-бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган муайян тузилмага бирлашган давлат фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти субъектлари:

- 1) Давлат бошлиғи-Президент (Президентлик институти);
- 2) Қонун чиқарувчи ҳокимият (Олий мажлис);
- 3) Ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси);

Президентлик институти ва унинг шаклланиши.

“Президент” сўзи лотинча-“олдинда ўтирувчи” деган маънони билдиради. Ўзбекистонда президентлик бошқаруви биринчи бор 1990 йил 24 мартда таъсис этилди ва ЎзР Президентлигига Ислон Каримов сайланди.

1991 йил 18 ноябрда, “Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисидаги”ги Қонун қабул қилинди. Бу қонунга 1997 йил 26 декабрь, 1999 йил 19 август, 2003 йил 24 апрелда ҳамда 2007 йил 11 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мустақиллик йилларида президентлик институти тўла шаклланди. ЎзР Конституциясининг 19-боби 89-моддасига кўра ЎзР Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президентлик лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки мартадан ортиқ президент бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият(Парламент).

Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятга эга ва турлича аталади (масалан, АҚШда-Конгресс, Швецияда-Риксдаг, Хитой Халқ Республикасида-Халқ вакиллари умумХитой мажлиси). Ўзбекистонда бундай ҳокимият Олий Мажлис деб номланади. Унинг мақоми, тизими, тузилиши, вазифалари, иш фаолиятига оид қоидаларни белгилашда дунёдаги илғор

давлатларнинг ва умуман, олий қонун чиқарувчи органни ташкил қилиш бўйича халқаро тажриба чуқур ўрганилган ва инобатга олинган.

Ўзбекистонда Олий Мажлис айти пайтда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органи ҳисобланади. Олий Мажлис 5 йил муддатга сайланади. Унга 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эга.

“Парламент” французча “Parler”-гапирмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади. Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Маълумки, паламент бир палатали ва икки палатали бўлиши мумкин. Демократик мамлакатларнинг аксариятида парламент икки палаталидир. XX асрнинг сўнгги йилларида икки палатали парламентлар сони 45 тадан 75 тага кўпайди. Ҳозирги замонда икки палатали тизим парламентаризм ---- асосий тенденциясига айланди. 2000 йилнинг 14 мартда Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон сенатларининг махсус анжуманида парламентнинг икки палатали бўлиши мамлакат ҳаётида ижобий роль ўйнайди, деган хулосага келинди.

1990-1994 йилларида мамлакатимиз парламенти Олий Кенгаши номи билан аталиб, бир палатали, 150 депутатдан иборат эди. 1995-2004 йилларда парламент Олий Мажлис номи билан аталиб, бир палатали ва унинг 150 депутати мавжуд эди.

2005-2009 йилларда Олий мажлис икки палатали парламент бўлиб, унинг куйи-Қонунчилик палатаси 120 депутат, Сенат (юқори палатаси) эса 100 сенатордан ташкил топди, жами 120 депутатдан иборат бўлиб келди.

2009 йил 27 декабрда ўтказилган сайловлар жараёнида ва умуман, ҳозирги даврда Қонун чиқарувчи ва маҳаллий ҳокимият органларига ҳамда Сенатга қуйидаги мезон ва талаблар устувор қилиб белгиланди.

1. Олий мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми (лотинча-эрк, ихтиёр, хоҳиш) билдириш ҳуқуқи берилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига таалуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколати доирасидан чиқарилмоқда.

2. Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартиб белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институти (сайловчи ташкилот вакилларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорлар) жорий қилинмоқда.

3. Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан номзод партияларга берилади.

4. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилади.

5. Олий Мажлисга сайловларни тайинлаш институти тугатилди ва унинг ўрнига “Сайлов компанияси бошланишини эълон қилиш” институти жорий этилди. Бу вазифани Марказий сайлов комиссияси амалга оширадиган бўлди.

6. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили Қонунчилик палатасига киритилди. Бу институт сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда қатнашади. Унга тўлдирилган имзо варақларини текширишда қатнашиш ҳуқуқи берилди. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакили 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди.

7. Депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди (квота-норма, ҳисса, улуш). Яъни 15 депутатлик ўрни оммавий жамоат ташкилоти-Ўзбекистон Экологик ҳаркатига берилди. Экологик ҳаракатга депутатлик ўринларини квоталаш институти номи берилди.

Ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси).

Ижроия ҳокимият-давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоқларидан бири.

Қонунлар рўёбга чиқилиши учун шарт-шароитларни таъминлаш ижро этувчи органларнинг асосий вазифасидир. Ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ, **ижро этувчи ҳокимият**, яъни мамлакат ҳукумати Вазирлар Маҳкамасига юклатилади. Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг ўинбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Илгари ЎзР Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Ижроия ҳокимият органлари тизимига Вазирлар Маҳкамаси раҳбари Бош вазир, ҳукумат-вазирликлар, давлат кўмиталари раҳбарлари, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари, улар раҳбарлигидаги бўлимлар ва бошқармалар, шунингдек, корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг маъмурияти ҳам киради.

Ижроия ҳокимият органлари жамоавий раҳбарлик асосида ва яқка тартибда ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш йўли билан тегишли соҳаларни бошқариш, ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, уларни амалга оширади. Ижроия ҳокимият идораларининг тизими, ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари Конституцияга биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Мустақиллик йилларида Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижроия ҳокимият-ҳукумат таркиби 4 марта янгидан тасдиқланади: 1993 йил 6 майда қабул қилинган, 1993 йил 29 августда янги таҳрирда жорий этилган “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунга кўра,

1. Биринчи марта Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби 1995 йил 23 февралда тасдиқланди.

2. Иккинчи марта 2000 йил 11 февралда тасдиқланди.

3. Учинчи марта 2005 йил 4 февралда Вазирлар маҳкамасининг таркиби тасдиқланди.

4. Тўртинчи марта 2010 йил 12 мартда Вазирлар маҳкамаси таркиби қуйидаги таркибда белгиланди: Вазирлар Маҳкамаси аъзолари- 8 та, вазирлик-14 та, давлат қўмиталари-9 та, жами-31 та.

I. Демак, бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси аъзолари: Бош вазир, унинг 1-ўринбосари ва 6 нафар ўринбосари мавжуд.

II. Вазирликлар:

- 2) Молия вазирлиги.
- 3) Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.
- 4) Иқтисодиёт вазирилиги.
- 5) Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.
- 6) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.
- 7) Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
- 8) Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.
- 9) Мудофаа вазирлиги.
- 10) Ички ишлар вазирлиги.
- 11) Ташқи ишлар вазирлиги.
- 12) Адлия вазирлиги.
- 13) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
- 14) Халқ таълим вазирлиги.
- 15) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Давлат қўмиталари:

1. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси.
2. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси.
3. Давлат солиқ қўмитаси.
4. Давлат божхона қўмитаси.

5. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.
6. Давлат статистика қўмитаси.
7. Монополиядан чиқиш ва рақобатни режалаштириш давлат қўмитаси.
8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси.
9. Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси.

2005 йил Вазирлар Маҳкамаси раҳбари-Бош вазир лавозими жорий этилди. Конституциянинг 89-модаси 1-бандидаги Президентга тегишли ваколатлар ижроия ҳокимиятга ўтказилди. Бу ҳолат франция ва Россия давлатлари Конституциялари нормаларида ҳам мавжуд. Вазирлар Маҳкамаси қонун, фармон, фармойиш, қарор ижроларини таъминлаш мақсадида махсус қарорлар қабул қилиш ҳамда назорат йўли билан бошқарувни амалга оширади, ижро ҳокимиятини таъминлайди.

Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, маҳалий давлат ҳокимияти, суд ҳокимияти органлари давлат ҳокимиятини амалга оширади.

Ҳозирги кунда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ислохотлар давом эттирилмоқда янада чуқурлаштирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди

- 1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан киритилиши;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олганда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми (1/3) томонидан Республика Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми (вотум-овоз бериб, қўл кўтариб қабул қилиш, тасдиқлаш) билдириш ҳақидаги масала киритилиши;
- 3) Олий мажлис палаталари қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилиши;
- 4) Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқиши тўғрисидаги таклифлар киритилди. Шунингдек, Вазирлар маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Бош вазирнинг қарор қабул қилиш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига номзодлар Бош вазир томонидан тақдим этилиши Вазирлар

маҳкамаси ва Бош вазир ваколатларини ошириб, уларнинг масъулиятини кучайтиради.

II. 2.2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш.

Ўзбекистон Республикаси БМТ ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, инсон ҳуқуқларига доир бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаган. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари ва умуминсоний қадриятлар миллий қонунчилигимизга сингдирилиб, устувор мақомга эга бўлди. Адолатли фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари жадаллик билан шакллантирилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг Асосий Қонуни-Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа бир қатор қонунларда ўз ифодасини топди.

Республикаимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, энг аввало, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан биргаликда олиб борилмоқда. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлиги ифодасидир.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди. Шунга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқий маданият даражасини кўтаришга кўмак берадиган ҳуқуқий ахборот тизимини ташкил қилиш масаласи алоҳида амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда 1997 йил 29 августда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” қабул қилинган бўлиб, мазкур дастурда ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлашни давлатимиз ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ҳозирги вақтда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири фуқароларда суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан жазоловчи орган эмас, балки шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қиладиган органлар сифатида қарашни шакллантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Асосий қонунимиз асосида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. 1993 йилда “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши судларнинг мустақил ҳокимият тармоғи сифатида шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Суд ҳокимияти, давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, у ўз функцияси бўйича ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларидан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат” дир деб белгиланган. 2000 йил 14 декабрь куни қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририга кўра юқорида санаб ўтилган суд тизимига ўзгартириш киритилиб, судлар ихтисослаштирилди, яъни жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари жорий қилинди.

Суд ишлари ичида уларга юклатилган энг асосий вазифа-бу одил судловни амалга ошириш ҳисобланади. Суд ҳокимияти, умумий ҳолатда, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

- 1) конституциявий назорат;
- 2) давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текшириш;
- 3) суд ҳукми ва қарорларининг ижросини таъминлаш;
- 4) судларга тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кўриб, текшириб чиқиш;
- 5) суд амалиётидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик масалалари бўйича тушунтириб бериш;
- 6) судьялар таркибининг шаклланишида иштирок этиш ва шу масалада тегишли органларга ёрдам бериш.

Судьялар мустақиллигини таъминлашнинг кафолат тизими “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 67-моддасида қуйидагича белгилаб қўйилган:

- 1) қонунда белгиланган тартибда судьяларнинг сайланиши тайинланиши;
- 2) судьяликдан озод қилиниши;
- 3) уларнинг дахлсизлиги;
- 4) одил судловчи амалга оширишдаги қатъий мезон;

- 5) қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқлангани;
- 6) судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар даҳлсизлигини бузганлик учун жавобгарликнинг белгилангани;
- 7) судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдими асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади. Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси томонидан сайланади, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар судлари ҳамда уларга тенглаштирилган судлар (ҳарбий судлар) судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланади.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 72-моддасига кўра, барча даражадаги судлар тизимидаги судьялар ваколатлари қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- 1) судья қасамёдни бузган тақдирда;
- 2) ёзма ариза берган тақдирда;
- 3) судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тугатилганидан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттираверган тақдирда;
- 4) суд қарори билан муамалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;
- 5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
- 6) Унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- 7) Суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;
- 8) Соғлиги ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра, узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

Суд-ҳуқуқ ислохотларида судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш борасида ҳам бир қанча ижобий ўзгаришлар амалга оширилди:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида”ги ПФ-2817-сонли фармони;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва

лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида”ги ПФ-2943-сонли фармони;

- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2006 йил 17 мартдаги ПФ-3725-сонли фармонлари республикада малакали судьялар корпуси шаклланишида муҳим асос бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг яна бир жиҳати суд қарорларининг ижросини таъминлашга қаратилди. Бу борада:

- 1) 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим роль ўйнайди.

Одил судловни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатларнинг ўрни бекиёсдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1-майдаги “Адвокатура тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қабул қилинган Фармон муҳим роль ўйнайди. Ушбу фармон асосида адвокатлик тузилмалари тубдан қайта кўриб чиқилди. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи барча шахсларни бирлаштирган Адвокатлар палатаси тузилди. Шунингдек, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунга ҳам жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жиноят қонунида ижтимоий ҳавфсизлик даражасига кўра жиноятлар 4 турга:

- 1) ижтимоий катта бўлмаган;
- 2) унча оғир бўлмаган;
- 3) оғир;
- 4) ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларга:

- 1) қасддан содир этилиб, қонунда 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилиши назарда тутилган жиноятлар;
- 2) эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга жазо назарда тутилган жиноятлар кирази.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга-қасддан содир этилиб, қонунда 3 йилдан ортиқ, лекин 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга жазо назарда тутилган жиноятлар;

Оғир жиноятларга - қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида 5 йилдан ортиқ, лекин 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга- қасддан содир этилиб, қонунда 10 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ, мамлакатимизда қуйидаги жиноий жазо турлари мавжуд:

- 1) жарима;
- 2) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- 3) ахлоқ тузатиш ишлари;
- 4) хизмат бўйича чеклаш;
- 5) камоқ;
- 6) интизомий қисмга жўнатиш;
- 7) озодликдан маҳрум қилиш;
- 8) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепциясида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сонли қарори билан тасдиқланган) жазо тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш ва уни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиришни амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислон Каримов томонидан 2005 йил 1 августда “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги фармони имзоланди. Бу фармоннинг амалда қўлланилиши жараёни суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг жуда муҳим босқичи ҳисобланади.

Ҳозирги дунёда ўлим жазосидан воз кечаётган давлатлар сафининг ортиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, 1990 йилдан ҳозирга қадар 45 дан ортиқ давлатда ўлим жазоси бекор қилинди. Ҳозирги кунда дунёнинг 69 та давлатида ўлим жазоси сақланиб қолмоқда.

“Халқаро амнистия” ташкилотининг 2005 йил 17 ноябрда интернет орқали берган ахборотида қуйидаги маълумотлар эълон қилинган:

- 1) ўлим жазоси батамом бекор қилинган мамлакатлар-80 та;
- 2) фақат алоҳида ҳолларда ўлим жазоси сақланган мамлакатлар-15 та;
- 3) қонунчилигида ўлим жазоси сақланган бўлсада, кейинги ўн йил давомида бу жазо ижро қилинмаган мамлакатлар-23 та;
- 4) ўлим жазоси сақланган бўлсада, йил сайин бу жазони камроқ қўллаётган мамлакатлар-78 та;
- 5) ўлим жазоси вояга етмаганларга 1990 йилдан буён қўлланиб келган мамлакатлар-8 та (АҚШ, Хитой, Саудия Арабистони, Покистон, Эрон, Конго, Яман, Нигерия).

Кейинги 20йил давомида 50 та давлат ўлим жазосидан воз кечди. Шу йилларда фақат 4 та давлат (Непал, Филиппин, Гамбия, Папуа-янги Гвинея) қонунларида ўлим жазоси тикланган, лекин амалда деярли қўлланмаган.

Мамлакатимизда дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш чоратадбирлари амалга ошириб келинмоқда. 2005 йил 8 августда “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақида”ги фармоннинг қабул қилиниши бунга мисол бўла олади.

Республикамизда жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштиришда жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ тергов ва шахсни қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. 2001 йилда жиноят процессуал қонунга киритилган ўзгартиришлар туфайли дастлабки тергов муддати 2 йилдан 1 йилгача эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддати 1,5 йилдан 1 йилгача қисқартирилди.

2001 йил 29 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг VI сессиясида янги ҳуқуқий институт жорий этилди, яъни “Жабрланувчи билан ярашув” тўғрисидаги алоҳида иш юритиш тартиби ташкил этилиб, бундай ярашув институти фаолияти туфайли республикамизда жиноий жавобгарликка тортилган шахслар сонининг камайишига эришилди. Ҳозирги кунда юртимизда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ фуқаролар прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилди. Айни пайтда прокуратуранинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулиятни оширилди. Шунингдек, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман ва шаҳар прокурорларининг эса тергов ва айбланувчини қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор қилинди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида билдирилган суд-хуқуқ ислоҳотлари тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш концепциясининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Учинчи дарс

Мавзу: Ўзбекистонда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш.

Режа

1. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.

2. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.

I. Ҳар қандай жамиятда ахборот ҳамиша мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий восита бўлиб хизмат қилиб келган. Бу ҳолат айниқса бугунги глобаллашув замонида ҳар қачонгидан кўра кенг тармоқ ёзди, бинобарин, ҳаётимизнинг бирорта соҳасини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Сўз ва матбуот эркинлиги, унинг кенг ошкоралиги, ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик принципларни ҳаётга жорий этиш имконини беради. Айни ана шу вазифа нуқтаи-назаридан жамиятни янада ривожлантириш, уни сифат жиҳатидан янгилашда устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Оммавий ахборот воситалари сиёсий-ғоявий, маънавий-руҳий коммуникациянинг асосий таянчи, давлат институтларига нисбатан жамоатчилик назоратининг кучайиши учун янгидан-янги имкониятларни келтириб чиқариши мумкин. Демак, ОАВ институтлари орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш фуқароларни конституциявий асосда ўзаро бирлашиш, уюшиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга имкон беради. Аҳоли турли гуруҳ ва қатламларининг ижтимоий манфаат ва қизиқишларини ифода этади. Қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

ОАВ институти, аввало, миллий манфаат, жамият ва шахс эркинлигини ҳисобга олган, ахборот олиш ва уни тарқатиш кафолати ҳамда мажбурияти билан боғлиқ жараёнларнинг бевосита шахсий, маҳаллий, уруғ-аймоқчилик манфаатларидан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланиб бормоғи лозим. Демак, ОАВ фаолиятини эркинлаштириш,

жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик принципларни ҳаётга жорий этувчи жараён экани тобора равшан бўлиб бормоқда.

Ислохотлар тақдири, демократлаштиришнинг самарали натижалар бериши ва истиқболи кўп жиҳатдан ОАВнинг аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ақл-заковати ва фидоийлик туйғуларини шакллантирувчи муҳим институт сифатидаги вазифаларини қай даражада бажараётгани билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам ОАВ тузилмаларининг халқни қарорлар қабул қилиш жараёнларидан хабардор қилиб бориш, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок эта олишини белгилайдиган институт сифатидаги роли тобора ортмоқда.

1994 йилда Ўзбекистонда 475 та ОАВ, улардан 384 та газета, 66 та журнал, 19 та телестудия 3 та кабель телевиденияси, 2 та радиостанция ва 1 та агентлик фаолият кўрсатган бўлса, кейинги 10 йил ичида босма ОАВ-нинг сони 1,5 баробар, электрон ОАВ-нинг сони 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони 1200 тага етди. Барча телеканалларнинг 53%и, радиоканалларнинг эса 85% и нодавлат ОАВ ҳисобланади. Ўзбекистонда ОАВ 7 та тилда фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.

Бугунги замонавий ҳаётни ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, бу технологиялар қисқа муддат ичида алоқа қилиш имкониятлари ва ахборот олиш усуллари тўғрисидаги тасаввурларимизни кескин ўзгартириб юборди. Ҳозирги вақтда АКТ жамият турмушининг барча соҳаларида давлат бошқарувида, иқтисодиёт, сиёсий, тиббиёт, таълим, фан ва маданият, маиший турмуш ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Мустақиллик йилларида бу борада давлатимиз томонидан олиб борилган сиёсат туфайли ОАВ соҳасида юз берган тарихий янгиланишлар ҳақида сўз борар экан, икки масалага алоҳида эътиборни қаратиш зарур:

Биринчиси-нодавлат ОАВ институтининг яратилиши.

Иккинчиси-электрон ОАВ тизимининг жадал ривожланаётгани масаласи.

Ҳозирги кунда бу икки ташкилот-Нодавлат электрон ОАВ миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда жамоат фонди самарали фаолият юритмоқда.

АКТ соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида мамлакатда 11 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 40 та қарори, 600 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, бир қатор миллий дастурлар ишлаб чиқилган. Хусусан, 1) “2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникациялари технологияларини ривожлантириш дастури”, 2) Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда

реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури” шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда 2015 йилга қадар тўла рақамли телекўрсатувларга ўтиш режалаштирилган. Мамлакатимизда рақамли телевиденияга ўтиш ишлари 2007 йилда бошланган бўлиб, дастлаб 2008 йилнинг август-сентябрида Тошкент ва Бухорода рақамли телевизион узатгичлар ўрнатилиб, 12 та теледастур намойиш қилина бошланди. Келгусида теледастурлар сони 40 тага етказиш мўлжалланмоқда. Жорий йилнинг охирига қадар рақамли телевидение узатгичларини Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ўрнатиш режалаштирилган.

Президент Ислом Каримов маърузасида таъкидлаб ўтилганидек, бу борада эришилган ютуқларга махлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиб қолмасдан, жаҳон миқёсида кечаётган жараёнларда мустаҳкам ўрин эгаллаш учун ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва йўналишларга эга бўлган таракқиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига ҳам эга бўлиш зарур. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, Президент ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги таклифларни берди:

Биринчи. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида” Қонун қабул қилиш зарурлиги. Бунинг натижасида:

- 1) фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга ошириш имконияти яратиб берилади;
- 2) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулияти ошади;
- 3) давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни ҳабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб беради;
- 4) аҳолининг, жамоа бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлари, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг ҳабардор бўлиб боришини таъминлайди;
- 5) мазкур қонуннинг жорий этилиши, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиклиги ва ошқоралигини, мамлакатимизда ва хорижда кечаётган воқеа-ходисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда, таъминланиши зарур.

Иккинчи. “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида” Қонун қабул қилиш ҳақида таклиф киритилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши:

- 1) телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш;
- 2) телерадиодастурларни узатиш борасида мобел ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш;
- 3) телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратиш;
- 4) миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги каби принципларини белгилаб бериш;
- 5) радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошкоралигини таъминлаш;
- 6) тенг рақобат ва электрон медиабозор тармоқларининг монополлашувига йўл қўймаслик учун шароит яратиш.

Учинчи. ОАВ эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир. Бу вазифани амалга ошириш учун “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш юзасидан таклиф киритди. Бу қонунлар:

- 1) ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;
- 2) қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш;
- 3) миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Тўртинчи. ОАВ нинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таклиф этилди. Бу ўзгартириш ва қўшимчаларда:

- 1) давлат ва жамият бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш;

- 2) ОАВнинг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш, муддатларини қисқартириш;
- 3) ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар ўз аксини топиши назарда тутилади.

Шунингдек, Ислом Каримов сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб,

- 1) “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш;
- 2) рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурини ишлаб чиқиш;
- 3) мазкур дастур рақамли телерадиоэшиттириш инфратузилмасини шакллантириш;
- 4) бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратиш зарурлигини қайд этди.

Шундай қилиб, истиқлол йилларида ОАВни эркинлаштириш бўйича амалга оширилган тадбирлар жамоатчилик назоратининг жамиятдаги қонунсизлик ва адолатсизликка барҳам беришга катта туртки берди. Маскур вазифани бажаришда ОАВнинг жамиятга ҳаққоний маълумотлар етказиб бериш имконияти эса тўлақонли жамоатчилик фикрининг ошкоралик ва хабардорликка талабининг ошиб бораётганидан келиб чиқади. ОАВнинг сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизмида жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш омили кўп жиҳатдан ОАВда вазиятни холис баҳолаш, ислохотларга кенг оммани жалб қила олиш тенденцияларида акс этади.

II. Сайлов ҳуқуқи бутун дунёда эътироф этилган энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга давлат ҳокимияти органларига ўз вакилларини юбориш имкониятини беради. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини ҳеч тўсқинликларсиз амалга оширишлари уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим кафолатларидан биридир.

Ҳар қандай демократик давлатда халқнинг хоҳиш-иродаси бирламчи манба сифатида эътироф этилади ҳамда ушбу тамойил умуминсоний қадриятларни улуғлаш ва халқаро умумэътироф этилган қоидаларнинг устуворлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Демак, сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёни ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг сиёсий соҳаси ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд.

Агар сайлов ҳуқуқи сайланган вакилларга ҳокимият ваколатларини қўлга киритиш ҳамда уни навбатдаги сайловларда янгитдан сайланган вакилларга ўтказиш билан боғлиқ давлат-ижтимоий фаолиятининг муайян жиҳатларини тартибга солишни англатса, сайлов жараёни эса, субъектив сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишнинг шакли сифатида сайловчиларнинг давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва уни амалга оширишда иштирок этишлари шароитини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади”. Бу қоида, **биринчидан**, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг конституциявий асосга эгаллигини, **иккинчидан** эса, сайловлар демократик бошқарувни таъминловчи воситалардан бири эканини кўрсатади. Аслида ҳам сайлов институти демократик давлатнинг энг муҳим конституцияви-ҳуқуқий институтларидан бири бўлиб, унинг қандай ташкил этилиши жамият аъзолари сиёсий-ҳуқуқий онгига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIII боби “Сайлов тизими” деб номланиб, 117-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади” дейилган конституциявий принципларда ўз аксини топган.

Мустақиллик даврида илғор хорижий тажриба ва миллий-тарихий анъаналар ҳамда конституциявий принциплар асосида қабул қилинган қуйидаги қонунларни санаб ўтамыз:

- 1) “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” (1991 йил 18 ноябрь).
- 2) “Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси сайлов тўғрисида” (2003 йил 29 август. Янги таҳрири).
- 3) “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида” (1994 йил 5 май).
- 4) “Фуқаролик сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” (1994 йил 5 май).
- 5) “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида” (1998 йил 30 апрель).

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда миллий сайлов қонунчилиги тизимининг яратилиши ва ривожланишини қуйидаги **уч асосий босқичга** ажратиб ўрганиш ўринлидир:

Биринчи босқич (1991-1995 йиллар)- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда бир палатали Олий Мажлисни кўппартиявийлик асосида шакллантириш билан боғлиқ даврни ўз ичига олади.

Бу даврда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги (1991 йил 18 ноябрь) қонун, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил, 8 декабрь), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги (1993 йил 28 декабрь), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994 йил 5 май) Қонунларнинг қабул қилиниши билан кўппартиявийликка асосланган, муқобил сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий базаси яратилди.

Иккинчи босқич (1995-2000 йиллар)-биринчи босқичда тўпланган амалий тажрибага мувофиқ сайлов тизимининг демократик асосларини мустаҳкамлаш ва қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Бу босқичда сайловларни ташкил этиш ва натижаларини аниқлашда ҳолисликни таъминлаш ҳамда турли эхтиросларга йўл қўймаслик мақсадида мустақил орган-**Марказий сайлов комиссияси** тузиш борасида, Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998 йил 30 апрель) Қонун қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилди.

Шунингдек, ушбу босқичда депутатликка мустақил номзодларни илгари суришни кучайтириш, Ўзбекистонда кўппартиявий ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини амалда қўллашга кенг шарт-шароитлар яратишга қаратилган нормалар мустаҳкамланди. Шу билан бирга, 1999 йил 19 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ҳамда халқ депутатлари, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисидаги Қонунларга бир қатор жиддий қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. 1996 йилда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партияларнинг сайлов тартиб-қоидаларига риоя қилинишини назорат этиш бўйича ваколатларининг кенгайиши ва номзод кўрсатган сиёсий партия ҳар бир сайлоқ участкасига ўз кузатувчиларини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлади. Шу тариқа сиёсий партияларнинг Олий Мажлисда ўз сиёсатини уюшган ҳолда ўтказиш учун парламент фракцияларини ташкил этишнинг қонуний кафолатларини вужудга келди.

Учинчи босқич (2000-2009 йй.)-мамлакатимизда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнаган давр бўлди.

Бу даврда Қонунчилик палатасини шакллантиришда асосан партиявий вакиллик принципи устувор бўлди. Бу билан сиёсий партия вакилларининг ўз ижтимоий-сиёсий қарашлари ва сайловчилар манфаатларини ифодалаш учун кенг

имкониятлар яратилди. Парламентнинг юқори палатаси-Сенат ҳудудий вакиллик органи сифатида эътироф этилди ҳамда унинг асосий таркиби поғонали сайловлар асосида шаклланиши конституциявий қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Давлат бошқарувини демократлаштириш ва янгилаш ҳамда эркинлаштириш шароитида Президент ваколат муддатининг ўзгартирилиши ва айрим ваколатларининг Сенат ва Бош вазирга ўтказилиши, шунингдек, икки палатали парламентнинг барпо этилиши “Сайлов тўғрисида”ги қонун ўзгаришига олиб келди. Шу боис 2003 йилнинг 29 августида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Шундай қилиб, икки палатали парламентга сайловлар учун зарур норматив-ҳуқуқий база яратилди. Унда сайлов ҳуқуқига оид халқаро стандартлар ва сайлов тизимини ривожлантириш тажрибаси, шунингдек, мамлакатда парламентиризм тараққиётининг миллий хусусиятлари эътиборга олинди.

2004 йил 30 апрелда “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун партияларга сайловолди курашини фаол ва мазмунли тарзда ўтказишларига қўшимча имкон яратди.

2007 йил 11 апрелда “Давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унда сайлов жараёнининг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантирилди, шунингдек, Олий мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Бунда 135 та ўринни сиёсий партиялардан кўппартиявийлик асосида бир мандатли округларда сайланадиган депутатлар эгаллайди. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан эса Қонунчилик палатасининг 15 депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (конфренцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгиладиган муддатларда сайланадиган бўлди. Шунингдек, депутатликка номзодлар ишончли вакилларининг сони 5 нафардан 10 нафарга ошди.

Олий Мажлис Сенатига ўтказиладиган сайлов Асосий қонуннинг сайлов тўғрисидаги 117-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисида”ги Қонунга кўра ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича концепцияни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунларида белгиланган қоидалар асос қилиб олинди.

Концепцияда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига улкан масъулият юкланиб, ундан мавжуд қонун талаблари асосида комплекс чора-тадбирларни қамраб олган сайлов жараёнига тайёргарлик кўриш ва уни самарали ташкил қилишга қаратилган асосий вазифаларининг иккита йирик босқич доирасидаги асосий йўналишлари кўрсатилган.

Биринчи босқич-бу Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайлов юзасидан сайлов компанияси бошланганлигини эълон қилгунга қадар давом этадиган дастлабки тайёргарлик ишлари.

Иккинчи босқич-Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов компанияси расман эълон қилинган кундан бошлаб, то сайлов натижалари эълон қилунгунга қадар давом этадиган, бевосита сайлов жараёни билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими.

Сайлов жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- 1) МСК томонидан сайлов компанияси бошланганини эълон қилиш;
- 2) сайлов округларини, сайлов участкаларини тузиш;
- 3) сайлов комиссияларини тузиш;
- 4) номзодларни кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш;
- 5) депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш;
- 6) сайловолди ташвиқоти;
- 7) сайловчиларнинг рўйхатини тузиш;
- 8) овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш;
- 9) сайлов якунларини эълон қилиш ва депутатларни рўйхатга олиш.

Ушбу босқичларга оид барча процедураларни қонуний ва очиқ ҳамда ошқора ўтказишга эришиш лозим.

2008 йил 25 декабрда қабул қилинган “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан сайлов жараёнининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди. Ушбу қонунга мувофиқ Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эгадирлар. Сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди. Айни вақтда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур

бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган партиялар сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий салов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлаш ҳуқуқи берилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, ОАВнинг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида сайлов қонунчилиги изчиллик билан, босқичма-босқич ривожланиб борди. Ўзбекистон сайлов тизими ҳар бир босқичда Конституция ва халқаро андозаларга мос равишда ислохотлар мақсади ва фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий онгини ўсиб боришига мутаносиб тарзда янги поғонага кўтарилди.

Тўртинчи дарс

Мавзу: Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Режа:

- 1) Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.
- 2) Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

I. Мамлакатимизда кейинги ўн йилда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари жадал шаклланди ва ривожланди. Улар демократик кадриятлар, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда, фуқароларнинг ўз иқтидорларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиб боргани сари уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги фаоллиги янада кучайиб бормоқда.

Жамият ва унинг аъзолари давлатга нисбатан устунликка эга бўлиши фуқаролик жамиятининг шаклланиши билан бевосита боғлиқ бўлган жараёндир. Жамият-бу макону замонда мавжуд бўлган, турмуш тарзи ва манфаатлари

муштарак бўлган инсонларнинг ўзаро алоқадорлигини ифодаловчи бирликдир. Фуқаролик жамияти эса ана шундай жамиятнинг ривожланишида маълум шароитлар остида қарор топадиган унинг юқори босқичидир.

“Жамият” тушунчаси таркибига давлат ҳам киради, “Фуқаролик жамияти” тушунчаси таркибида эса давлат мавжуд эмас. Демак, “жамият” ва “фуқаролик жамияти” тушунчалари тенг ҳажмда эмас ва улар турлича маъно касб этади. **Фуқаролик жамияти**-бу юксак фазилатларга эга бўлган инсонлар жамиятидир. Фуқаролик жамияти-бу шундай ижтимоий тузумки, унда қонун устуворлиги таъминланади, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қарор топади, сиёсий партиялар ва институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи юксак бўлади. Фуқаролик жамиятида давлат ва унинг органлари фаолияти устидан фуқароларнинг жамоатчилик назорати ўрнатилади. Давлатнинг бир қатор ваколатлари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланади.

Фуқаролик жамиятини қуриш **кучли давлатдан кучли жамият сари** босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай дастур асосида давлатнинг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириш жараёни кечмоқда.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси илк бор қадимги Греция ва Римда вужудга келган. Аристотелнинг “Сиёсат” асарида фуқаролик жамияти ҳақидаги дастлабки фикрлар ёритилган. Унга кўра, инсоннинг эркин яшаши учун жамиятда қонунлар устувор бўлиши лозим. Шу билан бирга, ана шундай устувор қонунлар адолатли бўлиши ҳам керак. Бу ғоялар XVII асрга келиб яна ривожланди. Жумладан, инглиз файласуфи Т.Гоббс асарларида ривожлантирилди. XVIII асрда рўй берган Буюк француз инқилоби боис “**Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси**”нинг эълон қилиниши орқали фуқаролик жамияти тушунчаси кенг тарқала бошлади. Кант, Руссо, Гегель сингари таниқли мутафаккирларнинг илгари сурган фикрлари фуқаролик жамиятининг кенг моҳияти ва янги қирраларини очиб берди.

Шарқда фуқаролик жамияти тушунчасига нисбатан ўзига хос талқинлар мавжуд. Бу ахлоқ-одоб, маданият ва ҳуқуқнинг уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Жумладан, қадимги ёдгорлик бўлмиш “Авесто” да кишиларнинг биргалашиб яшаши, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқ нормаларига таяниши каби ғоялар олдинга сурилган. Абу Наср Фаробийнинг асарларида, хусусан унинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида давлатни бошқаришда адолатли қонунларга таяниш лозимлиги уқтирилади.

Маълумки, жамиятда анархия ва деспотизм мавжуд бўлиб, уларни жамият бир хилда ёмон кўради, бу иккала кўриниш ҳам жамият душмани, лекин жамият билан бирга яшайди. Фуқаролик жамияти эса ижтимоий муносабатларнинг ана шу иккала ўта нохуш ҳолати истисно этиладиган етукликдан иборат.

Демак, “Фуқаролик жамияти” тушунчаси тарихан инсоният тараққиётининг ҳар бир давр мутафаккирларининг ақл-идрок, эркинлик, адолат ҳукм сурадиган

идеал ижтимоий тузум моделини яратиш йўлидаги интилишлари билан белгиланадиган алоҳида бир даврини акс эттиради. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамisha у ёки бу тарзда давлатни такомиллаштириш, ҳуқуқ ва қонун ролини юксалтириш муаммолари билан боғлаб кўрсатиб келинди. Масалан, юнон олими Аристотелнинг давлат фуқароларнинг ўз эҳтиёжларини ўзи қоплаб яшай оладиган даражадаги бирлашмасидир, деганида, бу айнан фуқаролик жамиятидир, деган фикрни тушунмоқ керак.

Ёки қадимги Рим мутафаккири Цицерон кишиларнинг ҳуқуқий тенглигини асослаб, “Қонун фуқаролик жамиятининг ўзаро боғловчи бўғини, ҳуқуқ эса, қонун билан белгиланган ҳамма учун бир хил имтиёзлар...”, деганида, шубҳасиз, бу босқичда фуқаролик жамияти тўлалигича давлат билан тенглаштирилган. Тарихдан бизга маълумки, бу ҳолат анча узоқ вақт давом этган. Бу эса, албатта, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар ривожининг паст даражаси билан боғлиқ бўлган.

Ижтимоий муносабатларнинг изчил ривожланиб бориши, кейинчалик олимларнинг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашларининг ҳам ўзгаришини белгилаб беради. XVI-XVIII асрларда Н.Макиавелли, Г.Гроций, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо асарларида фуқаролик жамиятига ҳамма давлатлар эмас, балки табiiй-ҳуқуқий, шартномавий негизларга асосланган давлат тузумининг илғор шакллари мос келиши ҳақида фикр юритила бошланган.

XX асрга келиб фуқаролик жамиятининг кейинги ривожланиш даври бошланди. Бу даврга келиб, саноат ва савдодаги етакчи мавқе хусусий тадбиркорлик ва савдогарлардан индустриал савдо ва молия корпорациялари ихтиёрига ўтди. Ўз навбатида, кенг меҳнаткашлар қатламлари, эркин вакиллари, фан, маданият ва санъат арбоблари, зиёлилар, талабалар, ёшлар демократик ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиб чиқа бошладилар. Давлат ҳам эндиликда фақат “тунги қоровул” бўлиб қолмай, унинг фаолиятида ижтимоий таъминотни ташкил этиш, халқ таълими ва соғлиқни сақлашни бошқариш ва бошқа ижтимоий вазифаларни адо этишдек, ижобий функциялар тобора кўпроқ ўрин эгаллай бошлади. Бу даврда иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ҳам давлатнинг роли жиддий равишда ўсди.

Ривожланган фуқаролик жамияти уюшган субъектлар ўзаро ҳамкорлиги сифатида кўрилади. У шунчаки алоҳида индивидлар фаолиятидан иборат эмас, балки уюшган гуруҳлар, бирлашмалар, муассасалар, маҳаллий бошқарув органлари ва бошқа жамоат тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида таркиб топди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ривожланган ҳолатни ва умумий фаровонликнинг нисбатан юқори даражасини тақазо этади ҳамда шу туфайли фуқаролик жамияти субъектлари биргаликда, аммо давлат институтлари иштирокисиз, ўз манфаатларини рўёбга чиқарадилар.

Демак, фуқаролик жамияти ҳақида фикрлаганда, уни демократиянинг бир элементи сифатида сўз юритмоқ керак. Фуқаролик жамияти категориясини

тасааввур этганда, уни давлатга қарама-қарши туриш ҳолатида эмас, балки жамиятнинг бир бутун яхлитланишига, айнан худудий бирликка, миллий яхлитликка урғу бериш керак бўлади. Зеро, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин-барибир ўз кучини қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкilotлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айтилиши вақтда, барча ўзбошимчалик ва валютаристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар деб тан олмоқ зарурдир.

Шундай экан, “Фуқаролик жамияти” тушунчаси бўйича айнан ҳаётий фаолиятнинг мана шу соҳаси инсоннинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, унинг эркин танлаш, табиий ва туғма ҳуқуқлари-яшаш ҳуқуқи, мулкка эгалик ҳуқуқи, шахсий даҳлсизлик, хат-ёзишмаларнинг сир тутилиши, эътиқод эркинлиги ва хоқозо ҳуқуқларини рўёбга чиқиш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ташкил этилиши ва фаолият юритилишида, унинг ҳуқуқий асослари ўзаги аввало,

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Унинг XIII боби жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асосларига бағишланган бўлиб, 56-моддада “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”;

2) 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун;

3) “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” ги Қонун (1991 й.);

4) “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун;

5) “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” ги Қонун;

6) “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги Қонун (1996 й.);

7) “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида” ги Қонун (2004 й.);

8) “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” (янги таҳрири. 1998 й.) ги Қонун;

9) “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунларда мустаҳкамланган.

Маскур ҳуқуқий асосларнинг яратилиши нафақат мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимида жамоат ташкилотларининг фаолиятига оид ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил соҳаси юзага келишига олиб келди, балки, унга тизимлилик тусини берди.

Жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ижобий жараёнларнинг тамал тоши сифатида 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунни кўрсатиб ўтиш мумкин. Қонунда белгилаб қўйилган шакллардаги ҳар қандай жамоат ташкилотини камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузиш тартиби мустаҳкамланиб қўйилган. Шу билан бирга, давлат жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш, хусусан, солиқ ва бошқа масалаларда имтиёзлар бериши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Сўнги йилларда бу соҳага тегишли яна қуйидаги ҳужжатлар:

- 1) “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонун;
- 2) “Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонун;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва сенати Кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил воситасини ўтамоқда.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири-бу нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришдир. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ) ларининг сони 5100 дан ортиқдир. Агар бу кўрсаткични 2000 йилдаги ҳолат билан қиёсласак, уларнинг сони 2,5 баробарга кўпайтирилганлигини кўрамиз. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари тизимида марказий ўрни тутди. Бу борада уларнинг мустақиллигини тўла таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Бу қонунни қабул қилишдан мақсад қуйидагиларда ифодаланади:

- 1) ННТ ларини янада ривожлантириш;
- 2) Уларнинг мустақил иш юритишини таъминлаш;
- 3) Уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш;
- 4) Уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- 5) Улар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;
- 6) Улар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини одатда “Учинчи сектор” деб ҳам атайдилар. Шу ўринда “Биринчи сектор”-бу давлат, “Иккинчи сектор”-бу тижорат сектори (шахсий сектор) деб аташади.

Жамоат ташкилотларида амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг самараси ва давомийлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлил этиш мумкин:

Биринчидан, фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти ҳисобланадиган жамоат ташкилотларининг бирламчи ва асосий функцияси, уларнинг давлат ҳокимиятини муайян даражада чегаралаш, яъни давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалга ошириш эканлигини эътироф этиш жоиз.

Иккинчидан, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнида сиёсий партиялар муҳим функцияларни амалга оширадилар.

Учинчидан, жамоат ташкилотларининг энг оммавий шаклларида бири ҳисобланган қасаба уюшмалари жамиятнинг ижтимоий тараққиётига сезиларли даражада таъсир ўтказадилар. Бу қуйидагиларда намоён бўлади.

- 1) жамиятнинг интеграциялашувига эришиш;
- 2) ишлаб чиқариш деомкратиясини ривожлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш;
- 3) давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- 4) жамиятнинг меҳнат потенциалларини сақлаш ва ривожлантириш;
- 5) бозор муносабатларини ривожлантириш, меҳнат бозорини такомиллаштириш;
- 6) жамиятда инсон кадр-қимматини ошириш ва меҳнат одатларини ривожлантириш.

Мамлакатимизда ижтимоий воқеаликнинг жадал суръатларда ривожланиб бориши, жамиятда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар фуқаролик

жамиятининг асосий институтларининг янги функцияларини шаклланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла)нинг ўрни бекиёсдир. Маҳалла-бу шарқона “демократия дарсхонаси”. Мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари-маҳаллаларнинг сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. “Маҳалла” сўзи арабча “маҳаллун” сўзидан олинган бўлиб, “жой”, “ҳудуд” маъноларини билдиради. Мустақиллик йилларида жамиятдаги бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш борасидаги ишлар изчил давом эттириб келинмоқда.

II. 4.2. Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Ҳар қандай даражадаги ислохот мавжуд тартиб, шарт-шароитлар, вазият, таркиб топган мувозанатнинг ўзгаришига олиб келади. Бутун жамиятнинг ислоҳ этилиши, яъни унинг эски-нотўғри асосга қурилган, истикболсиз тизимдан бутунлай янги-ижтимоий, бозор муносабатларига асосланган, демократик ва ҳуқуқий жамиятга ўтиши жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бунда тараққиётнинг ҳар бир юқори босқичларига эришиш учун ислохотларнинг маълум қуйи даражаси навбатдаги юқори, мураккаб даражаси учун махсус шарт-шароит, заминни тайёрлаши лозим.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил равишда ўтишнинг реал ҳаётдаги аҳамияти шунда бўлдики, уни амалиётда қўллаш, бир томондан, ўтиш даври муаммоларини ҳал қилишда мамлакатимизнинг имконияти ва халқимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни янги юзага келган шарт-шароитларга “мослаштириб бориш” орқали ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш;

иккинчидан, ўтиш даврида давлат ва бошқарув тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, халқимизнинг дунёқараши ва ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга мос равишда уни демократик асосда шакллантириш;

учинчидан, бошқа бир қатор мамлакатлар ўз бошидан кечирган ички социал зиддиятларнинг кучайиб кетишининг олдини олиш;

тўртинчидан, мамлакатимизда мавжуд бўлган муаммолар комплекси ичидан биринчи навбатда ҳал қилиниши зарур бўлган асосийларини белгилаб олиш, уларни ҳал қилиш учун барча кучларни йўналтириш имкониятларини берди.

Демак, мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг ҳар бир йўналиши ҳам амалга оширилган чора-тадбирларнинг босқичлилиги билан тавсифланади.

Жумладан, дастлабки босқич-1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга экани эътироф этилди.

Бу босқичда ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ бир қатор ижтимоий-иқтисодий характердаги муҳим вазифалар белгиланиб, амалга оширилди:

- 1) сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал хомашё ва инсоний салоҳиятини ҳолисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон ҳўжалик алоқалари тизимида ўзига муносиб жой эгаллаш мақсадига эришиш;
- 2) бозор иқтисодиёти асосларини яратиш, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатлари механизмини ишга тушириш;
- 3) бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш, миллий валютани муомалага киритиш ва хоқозо.

Юқоридаги белгиланган вазифаларнинг изчил ва самарали амалга оширилиши натижасида ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш борасида бир қатор салмоқли ва аҳамиятли натижалар қўлга киритилди.

Иккинчи босқич- 2001 йилдан кейинги даврни ўз ичига олиб, у Президентимиз томонидан фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври деб номланади.

Бу даврда қуйидаги асосий вазифалар амалга оширилмоқда:

- 1) ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш;
- 2) мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **икки палатали** парламентга айлантирилиши;
- 3) давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш ва бошқа ваколатларни маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказилиши;
- 4) суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепциянинг ҳаётга татбиқ қилиниши ва хоқозо.

Натижада, фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида иқтисодий ётти барқарор ривожланиш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим натижалар қўлга киритилди.

Ўзбекистон мустақил тараққий ётти таниб, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш стратегияси ишлаб чиқишда ижтимоий ёттиналтирилган бозор иқтисодиётига ёттишни пировард мақсад сифатида белгилаб олди. Бунда бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмалари билан алмашинуви ҳақида гап бораётганлиги тушунарлидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, одамларнинг “ҳаёт фалсафасини” ўзгартирди. Вужудга келган эркинлик, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имкониятининг берилиш натижасида узок йиллар давомида боқимандачилик кайфиятида юрган аҳоли орасидан ишбилармон, тадбиркор, моҳир хўжалик эгалари, ҳунармандлар, касаначилар, иш юритувчилар ажралиб чиқди. Эндиликда улар фақат давлатдан иш жойи ва иш ҳақи кутиб қолмасдан, балки ўзлари ҳам хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, янги иш ўринларини яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлиги даражасини оширишдаги роли аҳамиятлидир. Тадбиркор ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айти пайтда ўз даромадларини ошириш билан бирга жамият бошқа аъзоларининг ҳам иш ҳамда даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади. Мамлакатимизда бу борадаги фаолият ҳам кенгайиб бормоқда. 2000-2008 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 3,3 марта ошди, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сони 8.402,3 минг кишини, шу жумладан яққа тадбиркорлар 6.446,2 минг кишини, кичик корхона ва микрофирмадаги бандлар сони 1.956,1 минг кишини ташкил этди. Ушбу соҳа вакиллари томонидан 2002 йилда 369,3 мингта, 2005 йилда 434,2 мингта, 2006 йилда 290 мингта, 2009 йилда 390 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ривожланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилиши натижасида маскур соҳа жадал равишда ривожланди. Агар 1990 йилда республика ЯИМ умумий ҳажмининг атиги 38,1 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилга келиб, бу кўрсаткич 81,3 фоизни ташкил этди. Айтиқса, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва чакана савдо айланмаси энг юқори салмоқ-99,9 фоизга етди.

Президент маърузасида мамлакатимизда нодавлат секторининг фаолияти ва мавқеини таъминлашда асосий ўрин тутувчи 1991 йилда қабул қилинган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун, ўтган давр

мобайнида 80 тадан ортиқ қонуности ҳужжати унга уйғунлаштирилганига қарамасдан, бугун қайта кўриб чиқишни ва янги таҳрирда қабул қилишни талаб этаётганлиги кўрсатиб берилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш-истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдан иборатлиги қайд этилди.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1-машғулот. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислохотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар.

Режа:

1. Мамлакатни модернизация қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш-муҳим устувор вазифа.
2. Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар.
3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар.
4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш-мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили.
5. Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар.
6. Ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш борасида эришилган ютуқлар.

2-машғулот. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Режа:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш.
3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.
4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.
5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.
6. Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Амалий машғулотларни ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар.

Амалий машғулотларни самарали ва юқори савияда ўтказиш учун талабаларни гуруҳларда ва ўзаро ҳамкорликда ўқитиш усулларида кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийтни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш масалаларини тақдимот кўринишида баён этиш муҳимдир. Бунда инсерт, график, органайзерлар техникаси, “Т-схема”, категориялар жадвали, “Б/Б/Б”, “ФСМУ” техникаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини топишга қаратилган ҳолатларда “Балиқ склети”, “Ҳаракатларни йўналтириш”, “Нима учун?” каби усуллардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида видеомаъруза, мультимедия воситалари, видеопроектор, флип-чат ва бошқа техник воситаларни қўллаш жараёнларининг олдиндан технологик карталарда режалаштириб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистонда иқтисодийтни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишда ўзбек моделининг ўрни ва аҳамияти.
2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодийтни барқарор ўсишини таъминлаш борасида амалга оширилган сабъ-ҳаракатлар.
3. Мустақил Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилиш йўлидаги улкан амалий қадамлар.
4. Ўзбекистонда бозор иқтисодийтига ўтишнинг ўзига хос йўли.
5. Фуқаролик жамияти: мазмун-моҳияти, шакллантириш омиллари.
6. Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари.
7. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
8. Давлат ҳокимияти ва унинг бошқарув тузилмалари.
9. Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш масалалари ва бу борада эришилган ютуқлар.
10. Давлатнинг иқтисодийтни бошқаришдаги ролининг камайтирилиши.
11. Қонун чиқарувчи ҳокимият: мазмун-моҳияти, таркибий тузилиши.
12. Ҳозирги пайтда қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилиш асослари.

13. Давлат ҳокимияти субъектлари ўртасидаги ваколатларнинг ўзаро муносабат тақсимланишидаги ўзгаришлар.
14. Бош вазир лавозимиغا номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлаш бўйича демократик тартибларнинг ўрнатилиши.
15. Ўзбекистонда ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-ижро этувчи ҳокимият.
17. Ўзбекистонда икки палатали парламент-Қонун чиқарувчи ҳокимият.
18. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ этилиши.
19. Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини такомиллаштирилиши.
20. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш-мамлакатни демократлаштиришнинг муҳим омили.
21. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни ислоҳ қилишга қаратилган ҳуқуқий нормалар.
22. Фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши.
23. Фуқаролик жамияти институлари фаолиятини янада ривожлантиришда ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти.
24. Хусусий мулк ва унинг ҳуқуқий кафолатлари.
25. Ҳозирги даврда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар.
26. Ҳокимиятлар бўлиниши принципининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришдаги аҳамияти.
27. Ўзбекистонда ахборот соҳасининг ислоҳ қилиниши ва сўз эркинлигини таъминлаш масалалари.
28. Ўзбекистонда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши.
29. Мамлакатимизда ОАВ-нинг янада либераллаштирилиши.
30. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигининг таъминланиши.
31. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов қонунчилигининг ривожлантирилиши.
32. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар.
33. Сайловлар-фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли.

34. Ўзбекистонда сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилиши-демократик жараёнларнинг ривожланиши учун муҳим омил.
35. Ўзбекистонда сайлов жараёнларининг янада демократлашуви ва қонунчилик ташаббуслари.
36. Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли.
37. Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ролининг ортиб бориши.
38. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти-маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштирилиши.
39. Атроф муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли.
40. Мамлакатимизда мустақил тараққиётнинг дастлабки босқичида маъмурий буйруқбозлик тизимида барҳам берилиши ва бозор иқтисодиёти асосларининг шакллантирилиши.
41. Мустақил Ўзбекистонда иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асоснинг яратилиши.
42. Ўзбекистонда оилавий бизнес бўйича қонунчилик базасининг яратилиши.
43. Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес хусусий тадбиркорлигининг роли ва улуши.
44. Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар.
45. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаши.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. ...Вазирлар Маҳкамаси ҳисобланади.

- a) ижро этувчи ҳокимият органи
- b) Қонун чиқарувчи ҳокимият органи
- c) Марказий ҳокимият органи
- d) Вазирликларни тузувчи орган

2. Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида...

- a) Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ойда бир марта ахборот бериб боради
- b) Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради
- c) Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ойда икки марта ахборот беради
- d) Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бермайди.

3. Вазирлар Маҳкамаси қайси органга ўз дастурини тақдим этади ва ўз иши тўғрисида ҳисоб бериб туради:

- a) Олий Мажлисга
- b) Олий Мажлис қўмиталарига
- c) Олий Мажлис Кенгашига
- d) Президент девонига

4. Бош вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан...

- a) Фармойишлар чиқаради
- b) Қонун чиқаради
- c) Қарорлар чиқаради
- d) а ва с

5. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принципларига:

- a) Коллегиаллик, демократия, қонунийлик, инсонпарварлик, ошкоралик
- b) Коллегиаллик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш.
- c) Демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш
- d) Коллегиаллик, демократия ва қонунийлик, инсонпарварлик.

6. Таклиф этилган Концепция бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча кимнинг зиммасига юкланади?

- a) Марказий сайлов комиссияси Раисига
- b) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига
- c) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерига

d) Ўзбекистон Республикаси Сенати Раисига

7. Таклиф этилган Концепция бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди ким томонидан таклиф этилади?

a) Марказий сайлов комиссияси томонидан

b) Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан

c) Олий мажлис қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракциялари ёки депутатлик гуруҳлари томонидан

d) Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини олган бир неча сиёсий партиялар томонидан.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари номзоди ким томонидан тақдим этилади?

a) Ўзбекистон Республикаси Президенти девони

b) Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

c) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери

d) Ўзбекистон Республикаси Сенати Раиси

9. Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни қайси соҳаларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаб берилди?

a) Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш

b) Ахборот соҳаси эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш

c) Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш

d) барча жавоблар тўғри.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аъзолари сонининг учдан икки қисми овози билан Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми берилиши натижасида.. .

a) парламент тарқатилади

b) Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади

- с) Парламент аъзолари орасидан вақтинча Бош вазир вазифасини бажарувчи сайланади
- д) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарларидан бири Бош вазир лавозимини эгаллайди.

11. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми ким томонидан берилади?

- а) Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади
- б) Бош вазирга нисбатанишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади
- с) Бош вазирга нисбатанишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади
- д) Бош вазирга нисбатанишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди аъзолари аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

12. Концепцияда илгари сурилган таклифга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш кимнинг ваколатига киради?

- а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг
- б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
- с) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
- д) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг

13. Концепцияда таклиф этилаётган ўзгартиришга кўра, вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тартиби қандай?

- а) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади
- б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади
- с) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади

d) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади

14. Концепцияға кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқиш мўлжалланаётган нормани кўрсатинг?

a) Республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди

b) Вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади

c) Ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади

d) Тўғри жавоб йўқ

15. Фуқаролик жамияти институтлари кўрсатилмаган қаторни аниқланг:

a) жамоатчилик марказлари

b) давлат муассасалари

c) жамоат фондлари

d) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

16. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қанча нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда?

a) 5100 дан зиёд

b) 2600 дан зиёд

c) 7500 га яқин

d) 4800 га яқин

17. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари-махаллалар сони қанчани ташкил этади?

a) 5 мингдан ортиқ

b) 10 мингдан ортиқ

c) 15 мингдан ортиқ

d) 20 мингдан ортиқ

18. Фуқаролик жамияти институтларининг мажмуини яна қандай номлаш мумкин?

- a) “биринчи сектор”
- b) “иккинчи сектор”
- c) “учинчи сектор”
- d) “тўртинчи сектор”

19. Республикамизда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга қаратилган қандай қонунни қабул қилиш зарурати бор?

- a) Ижтимоий шартнома тўғрисида
- b) Ижтимоий институтлар тўғрисида
- c) Ижтимоий шериклик тўғрисида
- d) Ижтимоий марказ тўғрисида

20. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқлари белгилаб берилган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш учун қайси кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим?

- a) Фуқаролик кодексига
- b) Меҳнат кодексига
- c) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга
- d) жиноят кодексига

21. Фуқароларнинг ўзни ўзи бошқариш органи-махалла фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қайси ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим?

- a) Ижтимоий шериклик тўғрисида
- b) Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида
- c) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида
- d) Жамоат фондлари тўғрисида

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган нечта янги қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилди?

- a) 2
- b) 4
- c) 6

d) 8

23. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов қайси тамойиллар асосида амалга оширилади?

- a) ҳудудий, кўп манфаатли сайлов органлари асосида
- b) сайловчиларнинг миллий мансублигини эътиборга олиб, сайлов округларини ташкил этиш асосида
- c) ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида
- d) маъмурий-ҳудудий сайлов участкалари тузиш асосида

24. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари сони?

- a) 120 та
- b) 150 та
- c) 250 та
- d) 175 та

25. Сиёсий партияни тузиш учун камида нечта ҳудудий субъектдан имзо тўпланиши керак?

- a) еттита
- b) саккизта
- c) бешта
- d) олтита

26. Депутатликка номзодларни қайси субъектлар кўрсатилади?

- a) сиёсий партиялар
- b) фуқаролар
- c) маҳаллий вакиллик органлари
- d) а,б,с

27. 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловларда ҳудудий сайлов округларидан кўппартиявийлик асосида нечта депутат сайланади?

- a) 135
- b) 120

c) 150

d) 250

28. Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига неча депутат сайланади?

a) 18

b) 15

c) 10

d) 6

29. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш ваколати кимга берилган?

a) Сенатга

b) Қонунчилик палатасига

c) Олий Мажлис палаталарига

d) Бош вазирга

30. Марказий сайлов комиссияси неча кишидан иборат тартибда тузилади?

a) 6 киши

b) 25 киши

c) 10 киши

d) 15 киши

31. Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан кимнинг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади?

a) Олий Мажлис Сенати раиси

b) Ички ишлар вазирлиги

c) Бош вазир

d) Президент

32. Кимлар хусусий мулк ҳуқуқини субъекти бўла олмайди?

a) Кооперативлар

b) Жамоат бирлашмалари

c) Давлатга қарашли юридик шахслар

d) Хўжалик ширкатлари

33. Хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаролар қайси давлат органидан рўйхатдан ўтади?

a) Туман ҳокимиятидаги махсус комиссиядан

b) Вилоят адлия бошқармаларидан

c) Туман(шаҳар)солиқ инспекциясидан

d) Туман(шаҳар)ҳокимлигидаги махсус инспекциядан

34. Хусусийлаштириш дейилганда...

a) Оммавий мулк объектларини фуқароларга сотиш ва сотиб олиш жараёни тушунилади

b) Фуқаролар ва давлатга таалуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акцияларини давлатдан сотиб олиши тушунилади

c) Реквизитция қилинган мулкларнинг фуқароларга ҳадя қилиб берилиши тушунилади

d) Давлат мулкининг қонуний асосларга кўра юридик шахслар балансига ўтказилиши тушунилади

35. Кичик тадбиркорлик субъектлари...

a) жисмоний ва юридик шахслар

b) Фақат жисмоний шахслар

c) Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар

d) а ва б жавоблар тўғри

36. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорида монополистик фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади бу-

a) Товар бозорларида монополистик фаолият ва инсофсиз рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб беради

b) Рақобат муносабатларининг шаклланиши ва самарали амал қилиши учун шароитларни таъминлашга қаратилган

c) Товар бозорларида монополистик фаолиятнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатиш

d) а ва б жавоб тўғри

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

№	Муаллиф	Адабиётнинг номи
1		Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2010
2		Ўзбекситон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун// Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси. 2004.-№ 5
3		Ўзбекситон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991.-№4
4		Ўзбекситон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси тўғрисида”ги Конституцияси Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994.-№10
5		Ўзбекистон республикаси Президентининг Қарори. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон
6		Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.
7	Каримов И. А	Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Асарлар, 1-жилд.-Тошкент, 1996
8	Каримов И. А	Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли-Т.: Ўзбекистон, 1993
9	Каримов И. А	Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т., “Ўзбекистон”, 1995
10	Каримов И. А	Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000
11	Каримов И. А	Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. Маънавият. 2008.
12	Каримов И. А	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари//Т: Ўзбекистон, 2009.-56 б.
13		“Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”.-Президентимиз Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим

		устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси//Халқ сўзи, 2010 йил 31 январь.
14	Каримов И. А	Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№220)
15		Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистоннинг 19 йил мустақил тараққиёт йўлида жамиятни модернизациялаш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг дадил одимлари ва муваффақиятлари: талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик билан учрашувларда фойдаланиш учун ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий мавзуда илмий-оммабоп рисола.-Т.: “Иқтисодиёт”, 2010.-148 бет.
16		Ўзбекистон Республикаси Президенти ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010.-145 бет.
17		Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри.-Т: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993
18	Абдумажидов Ғ.А, Салимов Б	Ўлим жазосини бекор қилишнинг ташкилий ҳуқуқий жиҳатлари. Илмий-амалий мажмуа материаллари. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006
19	Абдулқосимов Ҳ	Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар.-Т.: Академия, 2008

